



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 5 МАРТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 43 (13.640)

Баҳоси эркин нарҳда

## ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИДА

**Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 март куни Навоий вилоятида бўлди.**

Навоий вилояти ўзининг меҳнаткаш халқи, ерости ва ерусти бойликлари, улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимизда алоҳида ўринга эга. Вилоятда кончилик, металлургия, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати изчил ривожланган.

Бугун вилоятда йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот", "Қизилқумцемент", "Навоий иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятлари ва "Электркимё-заводи" қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йил 28 март куни вилоятга ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига доир ишлар билан танишган эди. Орадан ўтган бир йил давомида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди. Ижро жараёни давлат раҳбарининг шахсий назоратида. Президентимизнинг бу сафарги ташрифи ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлат раҳбари дастлаб Кармана туманидаги "Karmana golden eggs" масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Уни ташкил қилиш бўйича лойиҳа ўтган йил март ойида Президентга тақдим қилинган эди. Орадан ўтган вақт давомида биринчи босқичдаги ишлар бошланди. 90 кунда товуқ етиштиришга мўлжалланган паррандачилик комплексида эллик иш ўрни яратилди. Махмулда жўжа уч ой давомида парваришланиб, тухум берадиган товуқ ҳолида сотувга чиқарилади.

Президент Шавкат Мирзиёев лойиҳа ташаббускорлари билан келажақ режалари ҳақида суҳбатлашди. Маълум қилинганидек, 2019 йилда инкубация, тухум етиштириш комплексларини ишга тушириш мўлжалланган. Олинанидан маҳсулотнинг 30 фоизи экспортга чиқарилади, яна 100 кишининг бандлиги таъминланади.

Паррандачилик бўйича тизим яратилибди, — деди Президент. — Энди бу ерда тухум етиштириш ва уни экспортга чиқаришни йўлга қўйиш лозим.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи доирасида "Навоий" эркин иқтисодий зонасида истиқболдаги режалар тақдими бўлиб ўтди. Маълумки, 2010-2016 йилларда иқтисодий зонада 22 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 904 иш ўрни яратилган. Тақдим қилинган режага кўра, 2017-2019 йилларда 32 та лойиҳа амалга оширилиб, 1659 та иш ўрни яратилади. Бунда электротехника, фармацевтика ва тиббий буюмлар, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари, кимё ва нефть кимёси маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Лойиҳаларда мармар ва гранит тошлар, композит тош маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаси ҳам ўрин

олган. Тош карьерларидан мармар қазиб олиш, қайта ишлаш, композит ва архитектура қурилмалари яратиш ишлари бажарилади.

Давлат раҳбарига тақдим қилинган яна бир режа бўйича 2018-2019 йилларда умумий қиймати 84,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган алюмин профиллар, аксессуар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи 4 та лойиҳа амалга оширилади.

Навоий вилоятида иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд, — деди Президент. — Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш учун ташаббускор тадбиркорларни топиш керак. Бунинг учун яқин вақтда вилоятда бизнес-форум ташкил қилиш лозим. Унга чет эллик инвесторларни ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шунда Навоийга энг сара инвесторлар келади.

Вилоятда шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси Зарафшон шаҳри ҳудудида амалга оширилади. 350 кишининг бандлиги таъминланган корхонада силлиқ лист ойна, шиша идишлар ишлаб чиқарилади.

Президентга замонавий иссиқхоналар ташкил қилиш, паррандачилик, балиқчиликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Балиқчиликка оид режа давлат раҳбарига манзур бўлди. Унда Кармана туманидаги хонадонларда кичик сув ҳавзалари барпо этиб, интенсив усулда балиқ етиштириш мўлжалланган. Лойиҳага кўра, икки сотих ерда интенсив усулда балиқ етиштирилади. Давлат раҳбарига етиштириладиган балиқ турлари, озукаси, даромадлар ҳақида маълумот берилди.

Балиқ пархез маҳсулот ҳисобланади, гўшт ўрнини босади. Шундай экан, бу тармоқни ривожлантиришга катта эътибор бериш зарур, — деди Президент. — Хонадонларда етиштирилган балиқ аҳолига фақат қўшимча даромад манбаи эмас. У соғлиқ учун ҳам фойдалидир.

Маълум қилинганидек, Навоий вилоятидаги "Тўдақўл" сув ҳавзасида очилган балиқчилик мажмуасига 1200 гектар ер ажратилади. Эронлик инвесторлар томонидан амалга оширилаётган лойиҳа йилига 5000 тонна балиқ, 4000 тонна қайта ишланган балиқ маҳсулотлари (балиқ филеси, фарши, дудланган балиқ) тайёрлашни кўзда tutади.

Мамлакатимиз иқлим шароитига мос, тоғ ва тоғолди ҳудудларда етиштириладиган писта меваси хуш-таъмлиги билан алоҳида ажралиб туради. Олимлар фикрича, писта дарахти минг йилгача ҳосил беради.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига ташрифи доирасида Нурота туманида 10 минг гектар лалми ерда ташкил этиладиган интенсив писта плантация-

лари лойиҳаси билан танишди. Давлатимиз раҳбарига унинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Қиймати 21 миллиард сўмлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 850 киши доимий иш билан таъминланади.

Маълумки, бизда мавжуд технологиялар асосида экилган писта 11-12 йилда ҳосилга қиради. Бир тул дарахтдан 200-300 грамм ҳосил олиш мумкин. Янги плантацияларни такомиллашган технология асосида барпо этиш кўзда тутилган. Яъни кўчатхонада ўстирилган нихолга иккинчи йил навдор писталардан олинган кўртак пайванд қилинади. Учинчи йилдан уни очик майдонда экиш мумкин. Ушбу технологияда экилган писта 7-8 йилда ҳосилга қиради. Унинг бир тулипидан 1,5-2 килограмм писта олиш мумкин.

Қишлоқ ҳўжалигига илмий ёндашмай қўйганимиз боис кўплаб экиндардан қўтилган даражада ҳосил ололмаямиз, — деди Президент. — Бундан буён соҳага илмфан ютуқларини кенг жорий этиш, экинни экишдан бошлаб уни йиғиб-териб олишгача олимлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш керак. Ҳосилдорлик қанча юқори, экспортбоп бўлса, деҳқон бойийди. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам шу.

Писта плантациялари 2018-2021 йиллар давомида барпо этилади.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент кимё технологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари ишлаб чиққан гидрогель моддаси ҳақида ҳам маълумот берилди. Ушбу модда ўсимлик ўсиши ва ривожланишини жаллаштиришга хизмат қилади. Гидрогель ёмғир сувини ва ўсимликка берилган ўғитни сақлайди. Сувни 50 фоизгача тежашга ёрдам беради.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятида чўл ўрмончилигини ривожлантириш илмий марказини ташкил этиш, Хатирчи туманида бог ва замонавий иссиқхона барпо этиш, мева-сабзавотни қайта ишлаш, Навбахор туманида томчиладиб суғориш усулида бодом ва писта плантациялари очиш, қорақўлчилик, тивит жунли эчкиларни кўпайтириш, 2018-2019 йилларда вилоятда озиқ-овқат таъминотини раванқ топтириш ва қатор бошқа йўналишларга оид истиқболли лойиҳалар билан танишди. Уларни ўз вақтида сифатли баҳарши юзасидан топтириш ва кўрсатмалар берди.

Давлат раҳбари Навоийга ташрифи давомида вилоятнинг энг олис ҳудудларидан бири — Томди туманида ҳам бўлди. Тумандаги 12-болалар мусика ва санъат мактабида Навоий вилоятида амалга оширилаётган лойиҳалар ва истиқболдаги режалар билан танишди.

(Давоми 2-бетда)

### Содиқ ИМОМИЙ:

## "ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЮРИТАЁТГАН СИЁСАТ ТУФАЙЛИ МИНТАҚАМИЗДА КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРМОҚДА"

**Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик изчил ривожланмоқда, барча даражада, жумладан, чегарасолди ҳудудлар ҳамда ишбилармон доиралар ўртасида мулоқот фаоллашгани кузатилмоқда. Ўзаро англашув ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, умумий тарих, маънавий ва маданий қадриятлар уларга асосланган яхши қўшнилик алоқалари мустаҳкамланмоқда.**

Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва муҳтор элчиси Содиқ ИМОМИЙ шулар ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсат туфайли сўнгги йилларда нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақамизда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида қўшни мамлакатлар билан алоқаларга устувор аҳамият қаратмоқда. Натижада минтақамизга янги ҳаёт шаббодаси кириб келди ва ҳукмронлик қилмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг қўшни мамлакатлар билан чегара масалаларини ҳал этаётгани эътирофга лойиқ. Ўзбекистон раҳбари энг

аввало қўшни мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу мақсадлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ўзифодасини топган. Ушбу ҳужжатда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшнилик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди.

(Давоми 2-бетда)

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ТҲЙ ВА МАРОСИМЛАР — БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ

**Парламент қўйи палатасидаги Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия томонидан "Тўйлар, оилавий тантаналар ва маъракаларни ўтказишда давлат ва жамиятнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Асосий эътибор жамиятнинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган тўй маросимлари, оилавий тадбирлар ва маъракаларни ўтказишни тартибга солиш, номмақбул ҳолатлар ва исрофгарчиликнинг олдини олиш масалаларига қаратилди. Бунда жамоатчилик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг таъсири масалалари кенг муҳокама қилинди.

Таъриба шуни кўрсатмоқдаки, тўйлар ва маъракалардаги сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар билан қўтилган натижага эришилмаяпти. Сўнгги йилларда юзга келган вазиятни эътиборга олган ҳолда диний уламолар, имом-хатиблар аҳоли орасида маросимларда исрофгарчиликка йўл қўйиб бўлмаслиги, ислом динида тўйлар ва маъракаларда катта сарф-харажатлар оқланмаслиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Бироқ аҳолининг аксарият қисми орасида кўп сонли меҳмонлар тақлиф этилиши — бу саҳийлик ва обрў белгиси, деган фикр шакланган. Натижада оилалар юзга келган қўштирноқ ичидаги анъаналарга мос бўлиш учун даромадларига яраша эмас, балки қарз

олиб бўлса-да, катта сарф-харажат қилмоқда. Тўйларни бу тарзда ўтказиш эса оилаларни бир неча йиллар давомида қийналиб яшашга мажбур қилмоқда.

Давра суҳбатида иштирокчилар кўп йиллар давомида тўпланган катта маблағларнинг 3-4 соатда ўтиб кетадиган тўй маросимларида сарфлаб юборилаётганини таъкидлади. Аслида оқилона тарзда тўй ўтказиб, тежалган маблағни оила саломатлиги ва фаровонлиги, болалар таълим-тарбиясига сарфлаш мумкин.

Аҳоли ўртасида фаол доимий тушунтириш-тарғибот ишлари омма онгига таъсир ўтказишнинг бош воситаси эканини ҳисобга олиб, жамоатчилик дабдабали тантаналарга қарши чиқмоқда. Афсуски, тушунтириш чоралари ҳар доим ҳам самара бермаяпти, чунки "мумкин бўлган" ва "ортиқча исрофгарчилик" тушунчалари ўртасидаги чегарани белгилашда муайян мураккабликлар мавжуд. Бунинг устига одамлар аксарият ҳолларда анъаналар айнан уларга келганда узилиб қолишини истамаяпти.

Амалий фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар ўртага ташланган тадбирда жамоатчилик таъсирининг самарали воситаларини ишлаб чиқиш зарурлиги борасида ягона фикрга келинди.

Нурилло НАСРИЕВ



### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган вилояти ҳокимлиги муассислигида давлат унитар корхонаси шаклидаги "Ахсикент" археология меҳроси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси иш бошлади. "Ахсикент" археология меҳроси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини лозим даражада муҳофаза қилиш, бут сақланишини таъминлаш ва белгиланган тартибда рухсатнома олган археологлар томонидан археология қидирувлари, археология қазилмалари ва археология назоратини ташкил этиш, чуқур илмий археология тадқиқот натижалари асосида мажмуанинг илмий-тарихий концепциясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш мазкур дирекциянинг асосий вазифаси ҳисобланади.

● Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани ва Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти ўртасидаги "Қўшқанд" ва "Учтўрғон" чегара назорат ўтказув пунктларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

● Фарғонада "Намунали ички ишлар органлари таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикасида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳудудий бўлими иш бошлади.

● Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Риштон туманидаги "Рошидоний" халқ кутубхонасига "Ўзбекистон", "Ўқитувчи", Гафур Фулом номидаги ва Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари ҳамда "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриётида chop этилган юзга яқин номдаги адабий-бадий, оммабоп китоблар жамланмаса тўхфа этилди.

● Гулистон шаҳрида "Ички ишлар органларининг намунали таянч пунклари" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

● Кеча Польшанинг Познань шаҳрида тўрт қаватли турар жойда маиший газнинг портлаши натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, 20 дан ортиқ одам жароҳатланди, уларнинг кўпчилиги оғир аҳволда. Ҳозир бу ерда 160 дан ортиқ кутқарувчилар, кўплаб ўт ўчирувчилар ишламоқда. Портлашнинг сабаби ҳозирча номмаълум.

● Лос-Анжелесда тўксонинчи "Оскар" мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтмоқда.

● "General Motors", "Wuling Automobile" ва Хитойнинг энг йирик давлат автомобилсозлик компанияси — "SAIC Motor Corporation"нинг кўшма корхонаси ҳамёнбоп "Baoyin E 100" номли электромобиль ишлаб чиқарди. Машинанинг нархи ҳудудий имтиёзлар қийматида боғлиқ ҳолда 5,6 минг доллардан 9,3 минг долларгача туради. У Хитойда энг арзон электромобиль бўлишга даъвогарлик қилмоқда. "Baoyin E 100" кичик ўлчамли машина бўлиб, узунлиги — 2,4, эни — 1,5, баландлиги — 1,6 метрни ташкил қилади. Электромобиль 29 киловаттли электродвигатель билан жиҳозланган, бир қувватланишда 155 километр масофани босиб ўта олади. Машина атроф-муҳитга зарарли газ ва чиқинди чиқармайди.

● Нокулай об-ҳаво шароитлари туфайли Ҳарбий грузин йўли ва Транскавказ магистралли барча турдаги машиналар ҳаракати учун ёпилди.



## МИЛЛИЙ ДРАМАТУРГИЯНИНГ ИСТИҚБОЛИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг мажлислар залида таниқли ёзувчилар, маданият фидойилари, тажрибали драматурглар, талабалар ва журналистлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати миллий драматургиянинг муаммо ва ечимларига бағишлаб ўтказилди.**

Тадбирда маданият вазири Б.Сайфуллаев, вазирнинг биринчи ўринбосари О.Назарбеков, Ёзувчилар уюмлари ҳузуридаги драматургия кенгаши раиси Ш.Ризаев ва бошқалар мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантириш, мақсадли режаларга йўналтирилган ислохотлар жараёнида миллий драматургияни давр талаби даражасида тараққий эттириш доимий эътиборда эканлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 август куни пойтахтимизда бўлиб ўтган "Мамлакатимизда миллий маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида"ги видеоселектор йиғилишида маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш борасида қўллаб-қўллаш чора-тадбирлари берилган.

Жумладан, юртимиздаги барча театрлар репертуарларини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиб, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ижодий уюшмалар билан биргаликда бугунги кун нафаси, одамларни ўйлантираётган ижтимоий муаммолар ўз аксини топган сахна асарларини яратишни ташкил этиш ҳамда бу борада аниқ таклиф ва дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Шунингдек, Президентимиз вилоятларга ташрифи чоғида театрлар фаолияти билан алоҳида танишиш, биноларни реконструкция қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг замонавий сахна жиҳозлари, техник ускуналар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айни пайтда давлатимиз раҳбари йўлида самарали меҳнат қилаётган, ёшлар тарбиясига таъсир кўрсатувчи замон ҳаётининг самими, ёрқин, ҳаётий образлар орқали акс эттирадиган сахна асарларини яратадиган ижодкорлар, театр фидойилари, драматург ва режиссёрлар, сахна расомлари ва ижрочиларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш борасида тизимли ишлар, чора-тадбирлар ҳаётга кенг жорий этилмоқда.

Бугунги кунда ҳалқимизга юксак савияли, бадий мукамал асарларни тақдим этиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган бўлсада баъзи бир театрлар репертуарини талаб даражасида, деб айта олмаيمиз. Бу драматурглар билан режиссёрларнинг ўзаро ҳамкорликда бирга ишлаш яхши йўлга қўйилмагани билан бевоқиф бўлиб қолди. Янги, етук спектакллар яратишда қалами ўткир, серқирра ижодкорларнинг иштирокида кенг ва унумли фойдаланиш, янги сахна асарини тайёрлашга театр жамоаси, таниқли олимлар ва ёзувчиларнинг фикрини инобатга олиб, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти тугатаётган талабаларни театрларга кенгроқ жалб этиш, ёшларнинг ўз қобилиятини намойиш этиши учун улар билан ҳамнафас ишлаш ва ўргатиш бориш зарур.

Мулоҳаза, мунозара, муҳокама, талаб ва таклифларга йўғрилган тадбир барчага бирдай манзур бўлди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

**Тошкент иқтисодиёт университети қошидаги академик лицейда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан партиянинг анъанавий "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" кўрик-танловининг шаҳар босқичи ташкил этилди.**



## ОҚИЛА ВА ЗУККОЛАР ТАНЛОВИ

Унда ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари, партиянинг "Аёллар қаноти" аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятда турган ўрнини янада ошириш, аёлларни ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг маъқелларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Шу жиҳатдан, турли давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзвий ҳамкорлигида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ юртимиз хотин-қизлари ҳалқ фаровонлиги ва Ватан тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Мазкур танлов орқали туман ва шаҳар партия ташкилотларида фаолият юритаётган фаол, изланувчан, интилувчан, атрофдагиларга ҳар томонлама ибрат, намуна бўла оладиган хотин-қизларни рағбатлантириш кўзланган. Шу билан бирга кўрик-танлов иштирокчилар орасидан келгусида давлат ҳокимияти органлари бўладиган сайловларда номзодини кўрсатиш, партиянинг фаол аёллар сонини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Иштирокчилар кўрик-танлов-

нинг "Таништирув" шартини бўйича ўзлари истиқомат қиладиган ҳудуд тарихи, бугунги ва жойларда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида бадий қишлар қилишди. "Савол-жавоблар" шартида эса талабгорларнинг сиёсий партиялар, Ўзбекистон "Адолат" СДП сайловолди дастурига оид, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йилида амалга оширилган ислохотлар ва бошқа шу каби сиёсий-ҳуқуқий билимлари синалди. Сўнгги шартда номзодлар оила-ҳаётини тарзидан ҳамда бошқа ижодий қобилиятларини намоён этиб, йиғилганларга кўтаринки қайфият улаштиришди.

Иштирокчиларнинг ҳар бир шартга юқори даражада тай-ёргарлик кўрганликлари кўрик-танловнинг янада қизиқарли ўтишини таъминланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Партия ташкилоти қошидаги "Аёллар қаноти" Кенгаши ҳамда партия фаоллари ташаббуси билан партия аъзолари ўртасида "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" кўрик-танловининг ўтказилиши заковатли хо-

тин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қобилиятларини шакллантириш, уларда етакчилик сифатларини ривожлантириш, ташаббусларини рағбатлантириш, уларнинг билими ва салоҳиятини кенг жамоатчиликка намоён қилиш, турмуш тарзи ва фаолиятини, илгари сураётган эзгу ғояларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишга ҳизмат қилмоқда, — дейди Тошкент иқтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи ўқитувчиси, 3-ўрин соҳибаси Навбахор Эшпўлатова. — Бу эса нафақат хотин-қизлар, балки барча партия аъзоларини янада жипслаштиришга, фаоллаштиришга ёрдам бериб, ташаббускор, ижтимоий-сиёсий фаол хотин-қизлар сафини кенгайтиришга туртки беради.

Кўтаринки руҳда ўтган танлов натижаларига кўра, Учтепа тумани иштирокчиси, 74-мактабнинг маънавий ишлари бўйича директор ўринбосари Шахноза Турсунова 1-ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлангани қўлга киритди. 2-ўринга Яккасарой туман иштирокчиси Нозима Артикбаева, 3-ўринга Яшнобод туманидан Навбахор Эшпўлатова сазовор бўлди.

Кўрик-танлов ғолибликлари партиянинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

## САРҲИСОБ ВА КЕЛГУСИДАГИ РЕЖАЛАР

**Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қасаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2017-2019 йиллар учун тузилган Бош келишувнинг бажарилиши бўйича уч томонлама комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Бош келишувнинг 2017 йилда бажарилиши якунлари муҳокама қилиниши билан бирга жорий йил учун унинг асосий параметрларини бажаришга оид вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосланган Бош келишувнинг барча бўлим ва тадбирларини бажариш бўйича 2017 йилда давлат идоралари, қасаба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Хусусан, иқтисодиётни, миллий ишлаб чиқаришни ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, эркин рақобат муҳитини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан ижтимоий шериклар билан ҳамкорликда Бош келишув ижроси доирасида меъёр ижодкорлиги ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясига доир тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бош келишув ижроси доирасида меҳнатга ҳақ тўлаш, аҳолининг реал даромадлари ва турмуш даражасини ошириш масалалари борасида ҳам муҳим натижаларга эришилди. Хусусан, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақини 2016 йил билан таққослаганда, 12,3 фоизга ўсишига эришилди. Ёлланма ходимлар даромадлари 12,8 фоизга ўсди.

Тадбир давомида Бош келишув доирасида Қасаба уюшмалари Федерацияси ва ижтимоий шериклар томонидан меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазаси масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани, кам таъминланган оилалар, ёш болали оилалар, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийларига жамоа шартномалари ва келишувларининг ижтимоий қафолат ва ижтимоий ҳимоя қисмига биноан моддий қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилгани, Қасаба уюшмалари ва иш берувчилар ҳамкорлигида меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзолари учун маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари ўтказилди, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари маданий дам олдирилиб, туристик саёҳатлар соғломлаштириш билан ҳамраб олингани ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Бош келишув аёллар ва ёшлар учун қўшимча қафолатларни ўрнатиш учун асос сифатида хизмат қилгани, меҳнат соҳасида ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани ҳақида сўз юритилди.

Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан долзарб муаммоларни давлат органлари билан муҳокама қилиш орқали бартараф этиш мақсадида 2017 йилнинг декабрь ойида барча шаҳар ва туманларда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда "Меҳнат соҳасида муҳим аҳамиятга молик масалалар" мавзусида жамоатчилик эшитувлари шаклидаги давра суҳбатлари уюштирилди. Уларда ўртача ташланган масалаларнинг асосий қисми мулоқотлар давомида жойида ҳал этилди. Қолганлари эса вазирликлар, идоралар ва нодавлат, нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган республика давра суҳбатиде қўриб чиқилди.

Бош келишувнинг бажарилиши бўйича уч томонлама комиссия йиғилишида ижтимоий шериклар олдида турган галдаги долзарб вазифалар ҳам белгилаб олинди. Хусусан, Бош келишувни амалга татбиқ этиш жараёнида энг кам иш ҳақини ўрнатиш бўйича уч томонлама муҳокамалар ўтказиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш, иш ўринларини меҳнат шартнослари бўйича шаҳодатдан ўтказиш, давлат бюджетидан молиялаштирилмаган ташкилотларда ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва меҳнат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалаларига эътиборни қучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Зарина РУСТАМОВА

## Кўнгилдаги гаплар

### ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЙЛИК

**Гапни нимадан бошлашни ҳам билмайман тўғриси, чунки бугун исрофгарчилик деган гапга шу қадар лоқайд бўлиб қолдикки, тавба деб ёқанга туфлайсан. Келинг, мавзунини Ватан ичра Ватан бўлмиш оиламиздан бошлайлик.**

Авалло чироқ оғриқли мавзу. Ёқишади, фойдаланишади, ўчирмайдилар. Ишхонада эдим, рафиқам кўнгирок қилди.

— Чироқ ўчиб қолди, дадаси, бир нарсаси қилинг.

— Хўп, дедим. Ишдан кейин борсам, ҳалиям ёнмапти. Электрика кўнгирок қилсам, 30 минг сўради, ўғлим иккаламиз сўчтикни титкилай бошладик. Қўшнилари мўраллади:

— Нима бўлди?

— Чироқ ўчиб қолибди.

Қўшни йигит сўчтикча қаради.

— Пули тугабдику. Энди пул ташласаларинг ёнади.

— Уйни яқиндагина олгандик. Электрон ҳисоблагичлар пул тугаши билан ўчаркан, қойил. Ўғлим эрталаб тўлаб келди. Кечкурун борсам, ҳамма чироқ ёниқ, ҳаҳлим чикди:

— Шунча йил яшаб сени чироқни ўчириб юришга ўргата олмадим. Германияда шундай чироқлар ўрнатилган эканки, кирсанг ёнади, чиқсанг ўчади. Қани энди бизда ҳам шундай бўлса. Ўшанда ҳаммага яхши бўларди. Ишхонадаям шу гап. Мен ўчиравераман. Қўшни хонада ўтирадиганлар ёқиб чиқаверади. Ҳатто сувни ўчирмайдди. Бу қандай гап, ҳамкасблар. Телевидениеда янги лампочкаларнинг рекламаларида айтиб турибди:

— Чироқни тежасангиз чекка қишлоқларга ҳам электр нури етиб боради. Бундан уч-тўрт йил аввал ярим кечаси қишлоққа кириб бордим. Йилт этган чироқ йўқ. Зимистон. Қоронғида пайпаслашиб укамнинг эшигини тақиллатдим. Хайрият, кўл телефонининг ёруғида уйга кирдик. Уларда кўл чироқлари бор экан. Бир пиёла чой ичиб, ухлагани ётдик. Кўни кеча яна қишлоққа тўйга бордим. Чироқлар ўчгани йўқ. Булар ниманинг мева-си?

Ортиқали тоғам айтади:

— Газ ҳам, чироқ ҳам беминнат. Бундай ёқсанг чой қайнаб турибди. Битта тугмачани боссанг чироқ ёниб турибди. Шундай дастёрлар учун пул тўла-маслик гуноҳу.

— Кечирасизлар, мана ман деб юрган ишбилармонларнинг, ўғри розеткаси бор, керак бўлса бўлмаса кондиционери ишлаб туради, ўзингизга ўғирликни раво қўрибсиз, майли, лекин керак пайт-

да ёқиб, нокерак пайтда ўчириб қўйинг. Ёки ўшандай ишбилармонлар электр токини кўп ишлатади. Кейин электриклар билан келишади. Ярим пулини берсанг, "орқага қайтариб беради". Ҳовлиларда яшаётган юртдошларимизнинг миллионлаб қарзи бор экан. Уни ундириш учун қанча одамлар овора. Агар ҳамма тўловларни ўз вақтида тўлаб борса қани эди. Қанча муаммолар ҳал бўларди. Демак, муаммонинг боши ўзимизда экан-ку кадр-донларим.

— Ўзингни бой қилма, юртингни бой қил, деб ёзганди устозим — Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон. Чунки бизнинг тўрваҳлатамиз тўлмайди. Қанча бўлса, яна бўлсин, деяверадим. Шунинг учун назаримиз тўқ бўлсин.

Бир кадрдоним чет элга малака оширишга борганида мени ҳам ҳамроҳ қилиб олди. Ваннада иссиқ сув йўқ. У эса бемалол ювиниб чиқаяпти. Охири ёрилдим:

— Шундай меҳмонхона бўлса-ю иссиқ суви бўлмаса.

— Борку, — деди дўстим қилиб. Кейин нима гаплагини билиб, кўрсатиб берди. Крани бу томонга бурасангиз иссиқ сув, нариги томонга бураса совуқ сув тушар экан.

Бу воқеани дўстларимга айтиб бердим. Қулишдик. Шунда ҳарбийда хизмат қиладиган дўстимиз ҳам қизиқ воқеани айтиб берди. Хизмат сафари билан Германияга борганда, қўлини ювмоқчи бўлиб крани қидирармиш. Жўмрак турибдию бурагичи йўқ эмиш. Энгашиб раковинанинг тағларини қидираётса бир мезбон имо билан сўрабди:

— Нимани қидиряпсиз?

— Кўл ювишим керак.

Шунда ишора билан тушунтирибди:

— Қўлингизни тутинг.

Шундай қўлини жўмракни тагига олиб борса сув тушибди. Қайтариб тортиб олса, тўхтабди. Ана тараққиёт.

Ҳурматли ишбилармонлар, азиз тадбиркорлар, ана шундай мосламаларни юртимизга олиб келиш биринчи галдаги вазифа эмасми?

Ишбилармон бўлганимда эди... ана шуларни орзу қиламан.

Абдурахмон ЖўРА

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"TOShShAHARNUR" давлат унитар корхонаси томонидан 2018 йилдан бошлаб шахримизнинг марказий кўчалари, турар-жой мавзелари, маҳалла кўчаларидаги мавжуд эски русумдаги ёритгичларни жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий нурдодли энерготехмакор ёритгичларга алмаштириш ишлари олиб боришмоқда. Ёритгичларни ёқиб-ўчириш ва назорати компьютер тизими ёрдамида марказий диспетчерлик хизмати орқали олиб борилади. Бунинг натижасида кўча чироқлари учун сарфланаётган электр энергиясидан йилига 31 млн.Квт. га тежалари. Ҳар бир маҳалла, турар-жой мавзеларида, кўчаларда чироқларнинг доимий ёниши таъминланади.


Барча ишлар жорий йилнинг ноябрь ойида тугатилади. Кўча ёритиш тизимларида сошлаш-ишга тушириш ишларини бажариш даврида ёритгичларнинг ўчиб-ёнишида вақтинчалик носозликлар юзага келиши мумкинлигини инобатга олиб ноқулайликлар учун олдиндан узр сўраймиз.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

телефонлар: 232-20-20, телеграмм: +99895 196-20-20

[www.toshshaharnur.uz](http://www.toshshaharnur.uz)

**"TOShShAHARNUR"  
ДУК маъмурияти**



## Спорт янгиликлари

**Мамлакатимизда миллионлар ўйинини янада ривожлантириш, футболимизга Европа қитъаси ҳавосини олиб кириш мақсадида ЎФА раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ислохотлар яқин келажақда албатта ўз самарасини беради.**

## ЎЗАРО КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси президенти, Ўзбекистон футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Умид Аҳмаджоновнинг Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Ян Бори билан учрашуви футболни ривожлантиришда икки томонлама ҳамкорликни кучайтириш масалаларига бағишланди.

Унда Ўзбекистон ҳамда Словакия футбол ассоциациялари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, ўзаро тажриба алмашиш, болалар футболни бўйича словакиялик тажрибали мураббийларни Ўзбекистонга жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув мобайнида жаноб Ян Бори мамлакатимизда футболни ривожлантириш ишлари ҳукумат даражасида амалга оширилаётганига юқори баҳо берди ва бу борада Словакия – Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини таъкидлаб ўтди. Тадбир якунида Словакияда жойлашган Братислава футбол академияси билан мамлакатимиздаги футбол мактаблари ўртасида яқин алоқалар ўрнатиш, болалар мураббийларини юртимизга жалб қилган ҳолда уларнинг тажрибасидан унумли фойдаланиш бўйича ўзаро келишувга эришилди.

Ахбар ЙҮЛДОШЕВ

## ЙИЛЛИК ТАҚВИМ РЕЖАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Миллий Олимпия қўмитасида Ўзбекистон спорт федерация ва ассоциациялар вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказилди.**

Унда Миллий Олимпия қўмитаси президенти Умид Аҳмаджонов, Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазири Шоакрам Исроиллов ҳамда Миллий олимпия қўмитаси бош котиби Жасур Матчоновлар ҳам иштирок этишди.

“Ушбу йиғилишни ташкил қилишдан мақсад – спорт федерациялари билан ҳамкорликда йиллик тақвим режасини қайта кўриб чиқиш

лозим. Бундан буюғига тақвим режага алоҳида эътибор қаратилади. Қайси спорт тури йил давомида нечта халқаро мусобақа ва хорижий ўқув-машғулот йиғинларини ўтказди? Қолаверса, турли ёш тоифаларида нечта маҳаллий мусобақалар ташкил этилади? Тақвим режасини тасдиқлашимиздан олдин шу каби саволларга аниқлик киритиб олишимиз керак” – деди Умид Аҳмад-

жонов.

Маълум қилинишича энди мамлакатимиздаги Олимпия захиралари коллежлари терма жамоаларимиз базаларига айлантирилади. Уларнинг ҳар бирида олимпия марказлари ташкил этилади ва уларда спортчилар 24 ёшгача спорт билан шуғулланиш баробарида, терма жамоа мураббийларининг назоратида бўлишади.

## ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ҲОЛАТИ НАЗОРАТДА

**Суперлига клубларида иштирок этадиган футболчиларнинг жисмоний ҳолати Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан тасдиқланган тест-синовлари орқали назорат қилиб борилади.**

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бу каби тест-синовлари ўзбек футболда илк марта амалга оширилаётган бўлиб, футболчиларнинг жисмоний ҳолати Ўзбекистон футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Умид Аҳмаджонов томонидан назорат қилиб борилаётган.

Белгиланган режа асосида янги мавсум олди-дан Суперлига клублари футболчилари иккинчи марта нормативларни топширишди. Натижада,

292 футболчидан 16 нафари тестлардан ўта олмади.

Клубларда натижалари қониқарсиз чиққан футболчиларга қайтадан тест-синовлари топширмагунларича рухсат берилмайди ва улар вақтинчалик бахсларда иштирок эта олишмайди. Такрорий ўтказиладиган тест-синовлари санаси Професионал футбол лигаси томонидан эълон қилинади.

Ботир ХҲҲАЕВ

**Инсониятни домига энг кўп тортаётган фалокатлардан бири бу наркоманиядир. Сўнгги ўттиз йил ичида бутун дунёда наркотик моддалар истеъмоли кўпайиб, муаммо долзарблиги ошганлиги ҳеч кимга сир эмас.**

Аҳолининг муайян қисмида ирода етарли эмаслиги, бошқалар таъсирга берилувчанлик, ўз-ўзини назорат эта олмаглик, мавҳум сезгиларга қизиқувчанлик ҳоллари бунга асосий сабабчи бўлади. Олий нерв фаолияти типига, наркотик модда турига, уни организмга киритиш усулига қараб, шахснинг руҳий ҳолатида хушнудлик кайфияти пайдо бўлади.

Наркотик моддани ҳамма нарсдан афзал кўриш ҳисси шаклланади, сўнгга уни мунтазам қабул қилишга ўтилади. Организмнинг реактивлиги ўзгариб, ҳимоя реакциялари йўқолади. Гиёҳвандлар наркотик моддаларни юқори дозаларда қабул қилишга ўтгач, аста-секинлик билан наркотик моддаларга боғлиқ бўлиб қолилади.

Ўсмир-ёшларни домига тортувчи наркотик моддаларнинг асосийлари куйидагилар яъни марихуана, гашиш, киф, хусус, план, харас ва дагга қиради. Наша таркибидеги каннабинол инсон руҳиятига бошлангич таъсир кўрсатади, унинг дозаси мастлик ва хуш кайфиятни юзага келтиришда катта рол ўйнайди. Нашани турлича – чайнаш, чейиш, ичимликлар тайёрлаш, овқатга қўшиш орқали қабул қилинади. Чекилганда унинг таъсири 15-30 дақиқа ичида билинади, биринчи мартада кўнгил айниши, қусиш, оғиз-бурун ачишиши, нафас йўлларида балғам, сўлак кўп миқдорда ажралиши, енгил бош айланиши каби аломатлар пайдо бўлади.

Ўқимсиз ҳисларга қарамасдан давом эттирувчиларда қарамликлар пайдо бўла бошлайди. Бунда одам

кўп кулади, ҳар қандай ҳолат кулгу хуружга сабаб бўлади, диққати чалғувчан бўлади, бирор нарсга ёки ҳолатга узоқ боғланиб тура олмайдди, фикрлаш суръати тезлашиб, фикрлар қуйилиб, бир-бирининг ўрнини босиб кетади. Нутқ тизимлиги вужудга келади, гаплари тартибсиз, узуқ-юлуқ бўлиб аниқ фикрларни ифода қила олмайдди.

## ГИЁҲВАНДЛИК – АСР ВАБОСИ

Нашаванд мулоқот учини йўқотиб қўяди, айрим ҳолларда ўз ички дунёсига ботиб, ўринсиз жиззакчилик, гамгинлик, ёхуд тажовузкорлик пайдо бўлади. Кейинги босқичи – тушкунлик фазаси бўлиб, кўркувлар, таъкибловчи вазваса гоёлари пайдо бўлади ва кайфият кескин ёмонлашади.

Морфин типидеги наркоманиялар: Бу гуруҳига опий ва унинг 20 га яқин препаратлари ҳосилоидлари ва опийдан олинувчи алоқалар ҳамда таъсири морфинга ўхшаб кетувчи синтетик моддалар қиради.

Морфин типидеги наркоманлик кўкнор экиб ўстириладиган жойларда кўп учрайди. Каннабисга қараганда морфин типидеги наркоманлар кўп бўлиш тез кечади. Опийни ичиш, овқатга қўшиш, тери остига, мушак ичига, венага юбориш ёки чекиш мумкин. Наркоманлар моддани тоза бўлмаган сувга эритиб, ифлос шприцларда венага жўнатиша-

ди. Морфин наркоманиясидан бўладиган умуморлик наркотикнинг охириги дозаси қабул қилингандан кейин бир неча соат ўтиб пайдо бўлади 5-7 кунгача давом этади. Бунда бемор кўп терлайди, талвасага тушади, ичи кетиб, титрайди, ҳарорати охиши, мушак тирешишлари кузатилиши мумкин. Бемор руҳиятида ўлиб қолиш ҳисси пайдо

бўлиб, мудҳиш тушлар кўради, гоҳ йиғлоқи, гоҳ тажовузкор бўлиб қолади. Сўнгги йилларда промедол, морфин, кокаин наркоманиялари иккинчи ўринга ўтиб, уларнинг ўрнига жуда кучли героин, унинг синтетик аналоглари ва героиндан 25 баробар кучли ЛСД, экстази каби препаратларга кенг йўл очилди. Героиндан ўтқир захарланиш ҳолларида тери оқариши, қорачикларнинг кенгайиши, умумий бехоҳлик, юрак ўйноғи, нафас сиқиши кузатилади. Графомания пайдо бўлади, яъни бемор кўплаб хат, смслар ёзади, чексиз фикрлар, мулоҳазалар, пайдо бўлади. Кўзгалувчанлик икки соатгача давом этиб, ҳолсизлик, лоқайдлик, тушкунлик билан алмашилади.

Героинга жуда тез қарамлик ривожланади, гиёҳванд учун одатий ишлар малол келиб, улар дағал бўлиб қоладилар, иштаҳаси йўқолиб, тери туси хунуқлашади. Таъкиб вазвасаси авж олганда қочман деб ўзини қаватдан ташлаб юбориши, автомобиль ҳалокатига учраши мумкин. Мухофаза кучлари заифлашиб ОИТС, сил, цирроз хасталиклар пайдо бўлади. Жамиятга етадиган зиён эса беқиёс, героинни сурункали истеъмол қилувчилар жамиятдан четлашиб текинхўрлик ва ўғрилиқ йўлига қиради, улар жамиятга қарши жиноятчилик йўлига қирадилар.

Гиёҳвандларнинг 93-95 фоиз қисми 1-5 йил ичида ё турмага тушади ва ёки вафот этади. Даво натижаларининг статистикаси янада қайғули. Гашиш, марихуана, кокаин каби нисбатан енгил наркомания турларида батамом тузалиш 20-25 фоизини, героин, ЛСД ва экстазида эса 3-7 фоизни ташкил қилади. Демакки наркоманларнинг ҳар 5-15 тадан биттасинигина соғлом ҳаёт кучоғига қайтариш мумкин. Қадимий иллатлардан бири – наркоманияга қарши кураш барча замон ва маконларда бўлган. Қўхна Римда тоғ чўққисидан ташлаб юбориш, Гитлер замонасида эса крематорийларда тириклай куйдириш ҳам иллат илдизига болта урولмаган. Фақат спорт, муқаддас динимиз асослари, тиббий маърифат ва маънавият асосларни кўпроқ тарғибот қилиши, фарзандларимизга тўғри тарбия бериш натижасида жамиятга зўд, ахлоққа тескари, динимизга ёт бўлган гиёҳвандлик, кашандалик, токсикоманлик каби иллатлардан баҳоли қудрат қутулишимиз мумкин.

Президентимиз раҳнамолигида кечаётган ислохотлар яқин келажақда бу иллатни дийримишдан улоқтириб, соғлом ва бахтли келажаққа олиб келади деб ишонамиз.

**Мамлакат РУСТАМОВА,**  
тиббийет фанлари доктори,  
профессор  
**Алижон ЗОХИДИЙ,**  
тиббийет фанлари номзоди

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРҒИБОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида барча куч тузилмаларида хизмат қилаётган ҳарбийлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга бағишланган ҳарбий-илмий анжуман бўлиб ўтди.**

Унда ҳарбий округ ва ҳарбий қисмларнинг жисмоний тайёргарлик, спорт ҳамда тиббий хизмат бўйича бошлиқлари, олий ҳарбий таълим муассасаларининг жисмоний тайёргарлик кафедралари мудири, ҳарбий округлар спорт вазодлари қўмондонлари, Миллий гвардия, Ички ишлар ва Фавкуллода вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг жисмоний тайёргарлик бўйича мутахассислари иштирок этди.

Иштирокчилар маърузасида жисмоний тайёргарликнинг ҳарбий хизматни ўташ самарадорлигига таъсири, Россия, АҚШ, Хитой армияларида машғулотлари ташкил қилиш бўйича илғор тажриба ҳақида сўзлади. Хусусан, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг Сайёр Мирзаев жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотлар давомида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш хусусидаги фикрларни баён қилди.

Анжуманнинг амалий қисмида Қуролли Кучлар академиясининг ўқув базасида кўргазмалар машғулотлар ташкил қилинди, қўл жанги, тўсиқлардан ўтиш, куч тренажёрларида ишлаш, турли жароҳат ҳолатларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби муҳим йўналишларда машқлар ўтказилди.

Ушбу анжумандаги иштирокимиз барчамизнинг услубий тажрибамизни бойитди, – деб ўз таассуротлари билан ўртоқлашди Ҳарбий-хаво кучлари майори Собир Усмонов. – Вертолёт учувчилари жисмоний тайёргарлик ва спорт билан мунтазам шуғулланибди, улар соғлом турмуш тарзи тарафдори.

Аблай КАМОЛОВ

## ОҲАНГЛАРГА КҮЧАН ФАСЛАР

**Ўзбекистон давлат консерваториясида “Ўзбекистон солистлари” камер оркестрининг жаҳонга машҳур композитор Антонио Вивальдининг “Йил фасллари” туркум мусикий асаридан тузилган концерт дастури мухлислар эътиборига ҳавола этилди.**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Анвар Раимжонов раҳбарлигидаги оркестр концерти мусиқа санъати ихлосмандларининг талабларига биноан уюштирилди.

1986 йилда бир гуруҳ иқтидорли ёшлардан ташкил этилган “Ўзбекистон солистлари” камер оркестри репертуаридан Бах, Моцарт, Бетховен, Вивальди, Чайковский сингари жаҳон, Тўлқин Қурбонов, Мустафо Бафоев, Мирсодиқ Тоҳиев каби Ўзбекистон композиторларининг асарлари ўрин олган.

Антонио Вивальдининг “Йил фасллари” туркум асари жозибаси, табиатнинг турли мавсумларига хос ҳолатларни оҳанглар воситасида маҳорат билан акс эттириши билан мусиқа ихлосмандлари меҳрини қозонган.

Мусиқий дастур давомида яққолан ижрочи, халқаро танловлар совриндори Сардор Жумаевнинг скрипкадаги ижроси мусиқа шинавандларининг олқишларига сазовор бўлди.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2014-2015 йилда Мирзалипов Олимжон Раҳмонжон ўғли номига берилган № 0385 рақамли рейтинг дафтари йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сергели тиббийет коллежи томонидан 2017 йилда Анваров Шахзод Зокиржон ўғли номига берилган К№ 4902305 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси томонидан амал қилиш муддати 31.12.2018 йилгача давом этадиган Исроилова Муассарон Садиковна номига берилган №0389 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Бектемир тумани “Ягона дарча” маркази томонидан 29.01.2018 йилдаги № 570227 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, “VITECH SAVDO” ХК (ИНН 305255730) таъсисчисининг 1.03.2018 йилдаги № 1 қарорига асосан  
**ТУГАТИЛАДИ**

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида Бектемир тумани Юқори Чирчиқ кўчаси, 1-А уйда қабул қилинади. Тел: +99897 774-15-94



**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

тезликда шомол эсади.  
Харорат кечаси — 8-10,  
кундузи — 17-19 даража  
элиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг маълумотига кўра, 6 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шайхор хаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 6 март кунини ҳаво ўзарлиб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғади. Шарқдан гарбага томон секундида 5-10 метр тезликда, кучайган ҳаво секундида 12-17 метр

**Тошкент Оқшоми**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:  
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-335

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: (0-371) 233-28-95  
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
12596 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2.

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақуфаланди.

Нашр учун масъул  
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акматали АҚРОМОВ